

LEPIDOPTERA TURKUMIGA MANSUB B'ULGAN TANAX'UR ZARARKUNAN DALAR BIOEKOLOGIIYASI VA UCHRAH DARAJASI

А.А.Раҳимова

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти

Ўсимликлар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари карантини кафедраси ассистенти

Аннотация: Ушбу мақолада Андижон ва Тошкент вилоятларининг боғ ва ўрмон биоценозида учрайдиган дарахт танаси зараркунандаларидан дарахт сассиқхўри (*Cossus cossus* L), йирик тиниққанот (*Aegeria apiformis* Cl.), қорамтир терак тиниққаноти (*Parathrene tabaniformis* Rtt.), олма ойнадори (*Synanthedon myopaeformis*)нинг учраш даражаси, биоэкологияси ўрганилган ва қарши кураш чоралари келтирилган.

Калит сўзлар; ўрмон, биоценоз, тангачақанотлилар, танахўр, *Cossus cossus*, *Synanthedon myopaeformis*, *Aegeria ariformis* Cl., *Parathrene tabaniformis* Rtt., личинка, биоэкология, кураш усуллари.

BIOECOLOGY AND THE LEVEL OF OCCURRENCE STEM PESTS BELONGING TO THE ORDER LEPIDOPTERA

Abstract; in this article, the occurrence, bioecology and control measures of the odorous woodworm (*Cossus cossus* L), poplar glassworm (*Aegeria apiformis* Cl.), poplar dark glassworm (*Parathrene tabaniformis* Rtt.) and apple glassworm (*Synanthedon myopaeformis*) found in forest biocenoses and gardens of Andijan and Tashkent regions were studied.

Keywords: forest, biocenosis, Lepidoptera, stem-eater, cossus cossus, *Synanthedon myopaeformis*, *Aegeria apiformis* Cl., *Parathrene tabaniformis* Rtt., larvae, bioecology, control measures.

Ўрмон биоценозида манзарали ва ёғочбоп дарахтларга жиддий зарар етказадиган Lepidoptera туркуми вакиллари бўлган сассик дарахтхўр, олма ойнадори, терак ойнадори, кичик терак шишасимони ва бошқа зараркунандалар иқтисодий жihatдан зарар етказмоқда. Дарахтхўр зараркунандалар Ўрта Осиёда кенг тарқалган бўлиб, жумладан Ўзбекистоннинг аксарият туманларида қайд қилинган. Бундан ташқари бу зараркунанда Қирғизистон ва Тожикистоннинг воҳа ва тоғ зоналарида кўп учрайди. Шунингдек, Приморье, Сахалин, Монголия ва Хитой ўрмонларида ҳам кенг тарқалган.

Танахўр зараркунандалар баргхўрларга қараганда биоэколик жihatдан фарк қилади, чунки уларнинг асосий ривожланиш босқичлари дарахт танасида кечади ва уларга қарши кураш чоралари ҳам бир мунча қийинчиликлар келтириб чиқаради. Кузатишларимиз давомида Андижон ўрмон хўжаликлари ва Тошкент вилояти Дўстлик боғида учровчи дарахт тана зараркунандаларининг биоэкологияси ва уларнинг ривожланиш даражалари, ўрмон биоценозида тарқалиши ҳамда учраш даражаларини мониторинг қилинган.

Андижон вилоятида Кўмакай ўрмон бўлимида ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, ўрмон биоценозида икки оилага мансуб бўлган уч турдаги тана зараркунандалари учраши аниқланди. Cossidae оиласига мансуб битта тур (*Cossus cossus* L) зараркунандаси 55,2 % учраши маълум бўлди. Aegeridae оиласига мансуб йирик тиниққанот (*Aegeria ariformis* Cl.) 24.5% ва қорамтир терак тиниққаноти (*Parathrene tabaniformis* Rtt.) 21,5% учраши аниқланди. (расм-1)

Дарахт сассикхўри (*Cossus cossus* L.) капалакнинг олдинги қанотлари кўнғир-кулранг тусда. Қанотлари ноаниқ кулранг-оқиш доғлари ва кўндалангига


тўлқинсимон чизиклари бор. Орқа қанотлари тўқ-жигарранг кўринишда бўлиб, хира тўлқинсимон чизиклари бор. Кўкрак қисмининг уст томони тўқ, қорни оқ ва йўғон, эркагининг қанотлари ўлчами 65-70 мм. Урғочисининг қанотлари эса 80-95 мм. Янги чиққан личинкалар тўқ-қизил, кейинроқ эса оч-қизил рангда бўлади. Боши қора ялтироқ. Вояга етган личинкаси 80-95 мм, нафас олиш тешиклари жигарранг. Агар личинкаларга бирор нарса тегиб кетса ўзидан мушк ҳидли суюқлик ажратади. Ғумбаги қалин ипаксимон пилласининг ичида жойлашган. Қўнғир рангда. Ғумбагининг узунлиги тахминан 60 мм. Тухуми овалсимон, тиниқ- жигар ранг, қора йўллари бор, ҳажми 1,2 мм.

Ёғоч курти кўпгина япроқ баргли дарахтларни, жумладан, терак, тол, заранг, оқ қайин, эман ва бошқа мевали дарахт турларининг луб қаватини ва ёғочлик қисмини ўйиб еб катта зарар етказади.

Бу зараркунанданинг табиатга учиб чиқиши Ўрта Осиё шароитида май ойи охирлари ва июн ойларида бошланади. В.И.Плотников ва И.К.Махновский маълумотларига кўра, бу капалак кўпгина кўчатзор ва теракзорларга 20% дан 50% гача зарар етказилганлиги қайд қилинган.

Табиатда танахўрининг капалаклари учиб юриши одатда 14-15 кун давом этади. Личинкалар аввал дарахтнинг луб қаватини кемиради, кейинчалик дарахт танасининг пастки қисмининг ёғочлик қисмини ҳам ҳар томонлама (кўндалангига, тиккасига) тешиб ташлайди. Улар ҳосил қилган тешик йўллари девори личинкалар ҳосил қилган суюқлик билан заҳарланиб, жигарранг ёки қора рангли бўлиб қолади. Дарахт барглари тўкила бошлаганда личинкалар озиқланишни тўхтатади ва ўзлари ясаган хандакларда қишлайди. Улар шу ерда келгуси йил дарахтлар барг ёзгунига қадар ётади. Кулгуси йил баҳорда личинкалар яна озиқланишни давом эттиради ва кузга бориб ғумбакка айланиб, иккинчи марта қишлайди. Ғумбакка айланиш босқичи 3-6 хафта давом этади.

Урғочи капалак дарахт ёриқлари, пўстлоқ остига ёки зарарланган тешикларга 20-25 тадан тўп-тўп қилиб тухум қўяди. Тахминан 14-15 кундан сўнг тухумлардан ёш личинкалар чиқади. Ёғоч қуртининг кўпайиши (генерацияси) икки йиллик.




1-расм. Ўрмон биоценозида тана зараркундаларининг учраш даражалари. (Андижон ўрмон биоценози 2018-2019 йй).

Личинкалар ҳосил қилган дарахт ичи хандак (тешик)ларининг узунлиги ўртача 50 см баъзан 1-1,5 м га ҳам етиши мумкин. Личинкалар озиқланиши бутун ёз бўйи ва кузгача давом этади. Иккинчи марта (вояга етган) личинкалар яна қишлайди. Келгуси йил апрел май ойларига бориб, улар ғумбакка айланади. Орадан маълум муддат ўтиб ғумбакдан ёш капалакчалар учиб чиқади.

Тадқиқотларни кейинги босқичида Тошкент ва Андижон ўрмон хўжаликларида олма ойнадори (*Synanthedon myopaeformis*) зараркундасини ўрганиш бўйича тадқиқотларни давом этирдик.

Олма ойнадори (*Synanthedon myopaeformis*) зараркунандаси нафақат тоғли худудларда балки охириги йилларда катта миқдордаги олма боғларида ҳам кенг тарқалаётгани маълум бўлмоқда. (расм-2.)



2-
Расм.

Тошкент ва Андижон вилоятларида олма ойнадори (*Synanthedon myopaeformis*) ва бошқа зараркунандаларнинг учраш даражалари.2019-2020йй.

Олма ойнадори (*Synanthedon myopaeformis*) зараркунандаси Тошкент ва Андижон вилоятларининг турли худудларида учраш даражалари турлича эканлиги маълум бўлди. Унга кўра, 2019 йилда Тошкент вилоятининг тоғли худудларидаги олиб борилган тадқиқотларда олма биоценозида учрайдиган умумий зараркунандалар билан зарарланган олма дарахтида 16% ни олма ойнадори ташкил этди. Шу йили Андижон вилоятида олиб борилган тадқиқотларга кўра олма ойнадори зараркунандаси 21% эканлиги тадқиқотлар натижасида маълум бўлди.

Тадқиқотларни кенгайтириш ва яна ҳам аниқлик киритиш мақсадида ушбу тадқиқотлар 2020 йилда ҳам амалга оширилди. Натижада, олма ойнадори Андижон ўрмон хўжалик биоценозида 23%, Тошкент вилоятида 19% учраши кузатилди. Бундан кўриниб турибдики, ушбу олма ойнадори (*Synanthedon myopaeformis*) зараркунандаси йиллар давомида кўпроқ учраб катта майдонларда зарар етказиши ортмоқда. Юқоридаги зараркунанда турлари мамлакатимизнинг

нафақат ўрмон биоценозида, балки боғ агробиеценозида ҳам катта иқтисодий зарар етказиб келмоқда.

Қарши кураш чоралари;Тана зараркунандалари билан зарарланган новдаларни икки марта август ва сентябрда кесиб ёқиб ташлаш лозим. Кимёвий прераратлардан Zolon 35%em.k.(2.0-4.0 г/га) пуркаш йўли билан йўқотилади. Биологик кураш усулида тухумхўр паразит *Trichogramma dendrolimi* энтомофаги зараркунанда зичлигига қараб 1-3гр га қўллаш тавсия этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1.Бей-Биенко Г.Я.Общая энтомология Москва «Высшая школа» 1980. –Б.245-246.

2.Сулаймонов Б.А. Ўсимликларни биологик химоя қилиш воситалари Тошкент 2018–Б.172.

3. Рахимова А. Андижон ўрмон хўжаликларидан учрайдиган Lepidoptera туркуми вакиллари // “Agro Kimyo Himoya va o‘simliklar karantini” илмий-амалий журнали –№1–Б. 31-32.

4 Хўжаев Ш.Т Ўсимликларни зараркунандалардан уйғунлашган химоя қилиш,ҳамда агротоксикология асослари «Navroz»нашриёти Тошкент-2014–Б. 360-361.

5.Эсанбаев Ш., Жумаев Р.А., Анорбаев А.Р. Ўрмон агробиеценози энтомофаунасида фитофаг турларини ҳисобга олиш ва паразит хўжайин муносабатлари миқдорини тиклаш // Агро Кимё химоя ва ўсимликларни карантини. Республика илмий-амалий журнал. –№ 1(1) 2017. –Б. 36-39.